

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил октябрь ойининг 24 кунда жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман суди, Ѓиждувон туман “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси Б.Умаров раислигида, судья ёрдамчиси К.Мўминовнинг котиблигида, томонлардан Ѓиждувон туман прокурори катта ёрдамчиси О.Равшанов, жабрланувчилар М.Махмудова ва М.Жўраева, судланувчи И.Джалилов ва унинг ҳимоячиси “ADOLAT YULDUZI PLYUS” адвокатлик фирмаси адвокати З.Мўминовнинг иштирокида Джалилов Икромжон Умаровичга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Джалилов Икромжон Умарович (DJALILOV IKROMJON UMAROVICH) 1970 йил 25 июль куни Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри 12-кичик туман 58-уй 2-хонадонда яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 30 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг жиноят ҳолати бўйича кўрсатмалари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб, томонларнинг фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, И.Джалилов 2022 йил 29 июль куни ўз бошқарувида бўлган “Нексия” русумли, 85 F 828 AA давлат рақам белгили автомашинани Ѓиждувон тумани ҳудудидан ўтган автомобиль йўлининг Ѓиждувон-Зарафшон йўналиши бўйича тахминан 70-80 км.соат тезликда бошқариб бораётганида автомобиль йўлининг 97-кмга етганида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-бандида кўрсатилган ҳайдовчи транспорт воситасини мастлик ҳолатида сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланишига, 77-банди ҳақидаги талабларни бузиб, чарчоқ оқибатида ухлаб қолиши натижасида



автомашина бошқарувини йўқотиб, ўз ҳаракати йўналиши бўйича йўлнинг чап томонидаги чўл ҳудудига чиқиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. Натижада фуқаролар М.Махмудова ва М.Жўраева ўрта оғир тан жароҳати олганлар.

Судда сўроқ қилинган судланувчи И.Джалилов унга нисбатан эълон қилинган айбга иқрорлик билдириб, 2022 йил 29 июль куни тахминан соат 15 ларда у ўзининг бошқарувида бўлган "Нексия" русумли, 85 F 828 АА давлат рақам белгилари автомашина билан ўғлининг никоҳ тўйи бўлаётганлиги сабабли Тошкент шаҳридан ўзи истиқомат қиладиган Зарафшон шаҳрига никоҳ тўйини ўтказиш учун бўлажак қариндошилари М.Жўраева, М.Махмудова ҳамда А.Жалиловлар билан кетаётганида автомашинани "Зафарабод" кўрғони ҳудудидан ўтувчи йўл бўйлаб, "Зарафшон-Навоий" йўналиши бўйича бошқариб бораётганида автомашина бошқарувини йўқотганлиги натижасида йўл-транспорт ҳодисасини содир қилганлигини, шундан сўнг у, жабрланувчиларни касалхонага олиб борганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчилар М.Жўраева ва М.Махмудованинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчиларни унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жабрланувчилар билан ихтиёрий равишда ярашганлигини, айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, уларни ўртасидаги ярашувни тасдиқлаб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Суд мажлисида видеоконференция режими орқали жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган М.Махмудова 2022 йил 29 июль куни судланувчи И.Джалилов бошқарувида бўлган "Нексия" русумли, 85 F 828 АА давлат рақам белгилари автомашинани Ёждувон туман ҳудудидан ўтган автомобиль йўлининг "Ёждувон-Зарафшон" йўналиши бўйича тахминан 70-80 км.соат тезликда бошқариб автомобиль йўлининг 97-км.га етганида ўз ҳаракати йўналиши бўйича йўлнинг чап томонидаги чўл ҳудудига чиқиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлиги натижасида у ўрта оғир тан жароҳат олганлигини, ҳозирги кунда судланувчи И.Джалилов унинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганлигини, судланувчи И.Джалиловга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, И.Джалиловга нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Суд мажлисида видеоконференция режими орқали жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган М.Жўраева 2022 йил 29 июль куни судланувчи



И.Джалилов бошқарувида бўлган “Нексия” русумли, 85 F 828 AA давлат рақам белгили автомашинани Ёиждувон тумани ҳудудидан ўтган автомобиль йўлининг “Ёиждувон-Зарафшон” йўналиши бўйича тахминан 70-80 км.соат тезликда бошқариб бораётганида автомобиль йўлининг 97-км.га етганида, ўз ҳаракати йўналиши бўйича йўлни чап томонидаги чўл ҳудудига чиқиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлиги натижасида унга ўрта оғир тан жароҳати етказилганлигини, ҳозирги кунда судланувчи И.Джалилов унинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганлигини, судланувчи И.Джалиловга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, И.Джалиловга нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан ўзаро ихтиёрий ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлик муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи И.Джалилов ва жабрланувчилар М.Махмудова ва М.Жўраеванинг жиноят ҳолатлари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризалари бўйича сўзларини, томонларнинг аризаларни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, судланувчи И.Джалиловнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчилар М.Махмудова ва М.Жўраева билан ихтиёрий ярашганлиги, моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчилар М.Махмудова ва М.Жўраевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан Джалилов Икромжон Умарович (DJALILOV IKROMJON UMAROVICH)га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчилар М.Махмудова ва М.Жўраевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига хусусий шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Умаров

Нусхаси аслига тўғри

Б.Умаров

